



# E CONF SERIES



**International Conference on Modern Science and Scientific Studies**

**Hosted online from Madrid, Spain**

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

20<sup>th</sup> February, 2025

## ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ТАДБИРЛАРИ ТИЗИМИНИНГ ГЕНЕЗИСИ ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Рахимхўжаев Рустам Нишонхўжаевич

ИИВ Академияси

Тезкор-қидирув фаолияти

кафедраси бошлиғи

Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуни билан ҳукуқни қўлловчига ваколат сифатида берилган тезкор-қидирув тадбирлари тезкор-қидирув фаолиятининг етарли даражада самарали функционал-ҳукуқий инструментидир. Шуни эътироф этиш керак-ки, унинг (инструментнинг) синтез ва “куролланиш”га қабул қилиниши 2012 йилда Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуни қабул қилиниши билан бир вақтда эмас, балки анча олдин – давлат, жамият ва қидиувнинг пайдо бўлиши, шаклланиши ва аста секин ривожланиши даврида, замонавий тезкор-қидирув фаолиятининг прототипи ва бир вақтнинг ўзида давлат тузилишининг зарурӣ талаби сифатида содир бўлган<sup>1</sup>.

Бизга маълумки жиноят-процессуал ва тезкор-қидирув инструментларининг ягона келиб чиқиши, бошланғич умумийлиги ва босқичма-босқич функционал-ҳукуқий бўлиниши ёки бошқача қилиб айтганда, чегараси қайд этилган<sup>2</sup> бўлиб, бу қарааш ҳукуқшунос олимларнинг тадқиқот натижалари ва доктринал позицияларига мос келади<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Рахимхўжаев Р.Н. ички ишлар органлари томонидан тезкор-қидируv тадбирларини ўтказишни ҳукуқий таъминлашни такомиллаштириш: Юрид. фан. бўйича фал. д-ри (PhD) дис.– Т., 2018. – 40-б.

<sup>2</sup> Тамбовцев А.И. Негласный потенциал уголовно-процессуального законодательства России // Вестник Санкт-Петербургского университета МВД России. 2018. № 2 (78). С. 173; Тамбовцев А.И., Павличенко Н.В. Оперативно-разыскная деятельность и уголовный процесс: вопросы сближения и взаимопроникновения // Вестник Волгоградской академии МВД России. 2019. № 2 (49). С. 9–14.

<sup>3</sup> Мухаметшин Ф.Б. Организационно-правовые основы становления и развития институтов обвинения и защиты в судопроизводстве России (IX–начало XX века): дис. ... д-ра. юрид. наук. Санкт-Петербург, 2004. 360 с.; Амплеева Т.Ю. История уголовного судопроизводства России (IX–XIX вв): дис. ... д-ра. юрид. наук. Москва: Московский Государственный институт международных отношений, 2009. 457 с.; Захарцев С.И. Теория и правовая регламентация оперативно-разыскных мероприятий: дис. ... д-ра. юрид. наук. Санкт-Петербург: СПБУ МВД России, 2004. 397 с.; Шахматов А.В. Агентурная работа в оперативно-разыскной



# E CONF SERIES



**International Conference on Modern Science and Scientific Studies**

**Hosted online from Madrid, Spain**

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

20<sup>th</sup> February, 2025

Соҳа олимларнинг аксарияти ахборотни олиш, текшириш ва исботлашнинг процессуал ва тезкор-қидирув инструментлари дастлаб генезиси ягона бўлган ва умумий пировард мақсадга йўналтирилган бўлса-да, аста-секин ривожланиб, алоҳида ажralиб чиқсан, маълум вақтгача эса ҳатто қонуний равишда “кутбли” бўлган деган ягона позицияга эга. Бу масала илгари бир неча марта, аниқ мақсадга йўналтирилган ва чуқур ўрганилган, у бир қатор илмий ишларда батафсил кўриб чиқилган ва тадқиқот доирасидан четга чиқсанлиги сабабли қисман ёритилган<sup>4</sup>.

Жамият ва давлатнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши даврида давлат функцияларининг ҳарбий, хукуқ-тартиботни таъминлаш, суд ва жиноят-ижроия турларидаги фаолиятнинг умумий ва билиш, хусусан, инструментларнинг субъектив, функционал ва ҳукуқий<sup>5</sup> бирлиги ушбу давлат институтлари ривожланишнинг бошланишида яхлитлиги ва бўлинмаслиги билан боғлиқ эди. Кўрсатилган йўналишлар ҳар бирининг кейинги мустақил шаклланиши ва ривожланиши қонуний равишда аста-секин, аммо муқаррар равишда шаклланишига, автоном эволюциясига ва худди шундай аста-секинлик билан маълумот олишнинг дастлабки умумий усулларининг торидоравий муаммоларни ҳал қилишга қаратилган алоҳида ихтисослаштирилган инструментларга айланишига олиб келди.

Процессуал инструментлар шахснинг жиноятга алоқадорлиги ва унинг айбини ҳужжатлар билан тасдиқлаган, стандарт тарзда бажарилган ва шаблон шаклида расмийлаштирилган потенциал далиллар бўлган моддий ва номоддий изларни топиш, олиш ва текшириш фактлари орқали исботлашни таъминлайдиган бир хилдаги унификацияланган тартиблар ва шаклларни ишлаб чиқиши йўли билан ривожланди.

деятельности (историко-правовое исследование российского опыта): дис. ... д-ра юрид. наук. Санкт-Петербург: СПБУ МВД России, 2005. 438 с.; и др.

<sup>4</sup> Тамбовцев А.И., Павличенко Н.В. Эволюция оперативно-розыскных мероприятий: монография /– Москва: Академия управления МВД России, 2021. – С 11.

<sup>5</sup> Шартли равишда қадимги давлат арбобларининг (*доҳийлар, князлар, подшолар ва бошқалар*) давлатнинг ҳарбий, хукуқ-тартиботни таъминлаш, суд ва жиноят-ижроия фаолиятини дастлаб ибтидоий ва вақт ўтиши билан ривожланиб бораётган норматив тартибга солишга бўлган илк уринишларини ҳукукий деб ҳисоблаш мумкин (*бизнинг фикримизча*).



# E CONF SERIES



**International Conference on Modern Science and Scientific Studies**

**Hosted online from Madrid, Spain**

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

20<sup>th</sup> February, 2025

Процессуал усулларнинг афзалиги уларнинг қонун даражасида қатъий тартибга солиниши ва далиллар билан таъминланганлигидадир. Жиноят ишлари юритувининг айрим амалий қоидалари ва унда қўлланиладиган инсон хукуқ ва эркинликларни ҳимоя қилиш чоралари аста-секин конституциявий принциплар, хукуқ ва эркинликларда ўзининг меъёрий ифодасини топди. Жиноят-процессуал кодексида идоравий амалий “ишланмалар” ва айрим конституциявий қоидалар жиноят процесси принципларига, қатъий алгоритмлаштирилган процессуал ҳаракатлар ва тартиб-таомилларга сингдирилди. Шу билан бирга, у доимий ва мақсадли равишда ҳозирги ҳолатига қадар ривожланди<sup>6</sup>. Процессуал инструментларнинг асосий камчиликлари – ҳаддан ташқари стандартлаш ва бу билан боғлиқ бўлган танқидий аҳамиятга эга бўлган тез-тез кечикиш, шунингдек, айлов томонидан суд жараёни иштирокчиларининг ҳаракатлари/кўрсатмаларига дастлаб матнда назарда тутилган нотўғри муносабат эди.

Терговдан фарқли ўлароқ, тезкор-қидирав инструментларнинг генезиси кўпроқ эркин ва ижодий йўлдан борган. Шаблон ва стереотип бўлмаган, балки максимал даражада ўзгарувчан, яширин, ҳужумкор, шу сабабли жиноят процессини айборларни аниқлаш ва жиноятларни фош этиш учун зарур бўлган маълумотлар билан таъминлайдиган ишончли ахборотни олишнинг янада тезкор, таъсирчан ва самарали усулларни қўллайди. Баъзан уларнинг далилий аҳамиятига зарар етказиб, бу айрим ҳолатларда ҳали ҳам прагматик деб ҳисобланиши мумкин. Тезкор-қидирав инструментларининг устувор йўналишлари маълумотларни олишнинг тезлиги, махфийлиги ва унинг бенуқсон ишончлилиги нуқтаи назаридан тезкорлик эди.

Тезкор қидирав инструментларнинг асосий афзалиги ҳар доим тез ва ностандарт, ишончли маълумотларни олиш ҳамда улардан фойдаланиш имконияти бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда. Бу, шубҳасиз, тергов йўли билан олиш имконсиз бўлгани учун маълумотнинг умуман йўқлигидан кўра яхшироқ ҳисобланади. Процессуал бўлмаган, аммо ҳақиқий маълумотдан исботлаш жараёнида фойдаланиб бўлмайди, бироқ у билан процессуал

<sup>6</sup> Тамбовцев А.И., Павличенко Н.В. Эволюция оперативно-розыскных мероприятий: монография /– Москва: Академия управления МВД России, 2021. – С 12.



# E CONF SERIES



**International Conference on Modern Science and Scientific Studies**

**Hosted online from Madrid, Spain**

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

20<sup>th</sup> February, 2025

бўлмаган тарзда ишлаш мумкин: текшириш, таҳлил қилиш, мантиқий операцияларни бажариш, хулосалар чиқариш, унга асосланиб далилларнинг бошқа манбаларини излаш ва натижада процессуал маълумотни, яъни далилларни олиш мумкин.

Шу билан бирга, классик қидирув амалда мавжуд бўлиб ва функционал жиҳатдан ривожланиб, жиноят процессини зарур маълумотлар ва ҳаракатлар билан таъминлаб келган. Яқин вақтгача амалда нафақат норматив-хуқуқий жиҳатдан, балки умуман бирон-бир хуқукий тартибга солувчи хужжат бўлмаган. Бу эса тезкор-қидирув инструментларнинг умум эътироф этилган асосий камчиликлари, яъни инструментларнинг хуқукий ноаниқлиги, асослар ва шартларнинг мунозаралилиги, олинган натижаларнинг далил сифатида эътироф этиш учун етарли эмаслиги ва баъзан уларни судга тақдим этишнинг объектив имконияти йўқлиги тезкор маълумотга нисбатан фуқароларнинг салбий муносабати шаклланишига таъсир кўрсатди. Афсуски, бу ҳозирги кунгача сақланиб қолмоқда.

XIX ва XX асрларда иккала (жиноят-процессуал ва тезкор-қидирув) инструментларнинг асосий тушунчалари амалда шаклланди. Уларнинг кейинги ривожланиши энди шиддатли радикал-инқилобий эмас, балки нисбатан секин изчил-тадрижий ҳарактерга эга бўлиб, жамиятда содир бўлаётган сиёsat, давлат тузилиши, иқтисодиёт, саноат ва ижтимоий технологиялар, хуқуқшунослик, ижтимоий соҳа ва бошқа соҳалардаги прогрессив ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиб, улар ўзгариб, ўз атрофидаги дунёни ўзгартирди ва тезкор-қидирув маълумотларини олиш ва қайд этиш усулларини ўз вақтида адекват ўзгартиришни талаб қилди.

XX асрда соҳа олимлари томонидан процессуал ҳамда тезкор-қидирув инструментларни такомиллаштириш бўйича, айниқса маълумот йиғиш ва уни судга тақдим этиш соҳасида, бир неча бор уринишлар амалга оширилган. Кўриб чиқилаётган масала доирасида уларнинг энг эътиборга молик жиҳатларига тўхталамиз.

1922 йилдаёқ А.Волмер томонидан полиция иши самарадорлигини оширишнинг ҳозирги вақтгача ўз долзарблигини йўқотмаган концептуал



# E CONF SERIES



**International Conference on Modern Science and Scientific Studies**

**Hosted online from Madrid, Spain**

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

20<sup>th</sup> February, 2025

принцилари шакллантирилди<sup>7</sup>. Суд процессини соддалаштириш, тергов муддатларини қисқартириш, жиноят ишларини юритиш таннархини пасайтириш ва бошқалар бўйича қизиқарли ва фаразий жиҳатдан истиқболли универсал таклифлар орасида факат тезкор-қидирув компоненти – тезкор йўллар билан олинган маълумотни бевосита судга тақдим этишга тааллуқли янгилик таклиф этилди. Бу билан жиноят ишини тергов қилишга хос бўлган “бюрократик кўп босқичли” ва узоқ давом этиши бартараф этилиб, судга тезкор материалларнинг далилий аҳамиятига бевосита баҳо бериш ва кейинчалик қарор қабул қилиш хуқуқини берган бўлар эди. Фикримизча, ушбу ташаббусни айнан тезкор-қидирув инструментларини сифат жиҳатидан яхшилашга, янада кўпроқ тезкорлик ва “далилий қиймат” беришга уриниш сифатида кўриб чиқиш мумкин. Афсуски, ҳозирги кунга қадар Ўзбекистон ҳуқуқий тизими бу гояни амалга оширмади. Бу гоя кенг қамровли бўлмаса-да, Европа ва Америкада қисман амалга оширилди. Бунинг сабаблари, шубҳасиз, Совет Иттифоқида ушбу инновацион ва оқилона таклифнинг номаълум табиати, шунингдек, Farb ва Совет Иттифоқининг суд ва хуқуқни муҳофаза қилиш тизимларининг объектив фарқи, шунингдек, мамлакатнинг юқори раҳбариятининг шахсий сиёсий амбициялари ва Farbdan ҳар қандай, ҳатто прогрессив ва истиқболда фойдали тушунчаларни олишни истамаслик бўлиши мумкин.

Россия мисолида ҳам шундай, яъни XX асрнинг 70 йилларида Совет Иттифоқида хуқуқшунос олимлар А.В.Дулов ва П.Д.Нестеренко тергов ҳаракати ва тезкор-қидирув тадбирларининг универсал мажмуи – “тактик эксперимент”ни қонунда мустаҳкамлашнинг қизиқарли инновацион гоясини таклиф қилдилар. Унинг моҳияти яширин, лекин шу билан бирга, гумон қилинувчининг кутилаётган хатти-ҳаракатларини кузатиб боришдан иборат эди<sup>8</sup>. Аслида улар томонидан тергов эксперименти, тезкор эксперимент ва кузатувнинг функционал-хуқуқий симбиози, уларга хос барча афзалликлар –

<sup>7</sup> Carte G.E., Carte E.H. Police reform in the United States: The era of August Vollmer, 1905–1932. Berkeley: University of California Press, 1975. P. 56–57; Свон Р.Д. Эффективность правоохранительной деятельности и ее кадровое обеспечение в США и России. Научное издание / под общ. ред. В.П.Сальникова. Санкт-Петербург: Санкт-Петербургский университет МВД России, издательство «Алетейя», 2000. – С 23.

<sup>8</sup> Дулов А.В., Нестеренко П.Д. Тактика следственных действий. Минск, 1971. – С. 210–231.



# E CONF SERIES



**International Conference on Modern Science and Scientific Studies**

**Hosted online from Madrid, Spain**

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

20<sup>th</sup> February, 2025

махфийлик, тезкорлик, процедура ва якуний юқори далилий салоҳият таклиф қилинганд. Гарчи бу ташаббус бизга номаълум сабабларга кўра амалга оширилмаган бўлса-да, таклифнинг ўзи совет хукуқни қўлловчилар томонидан умумий жиноий суд ишларини юритишнинг таркибий қисми сифатида тезкор-қидирув инструментларини оптималлаштиришга доимий уринишларини яққол намойиш этади.

Бундан ташқари, XX аср охири – XXI аср бошларидаги тезкор-қидирув инструментлари муаммоси бўйича кўплаб диссертация тадқиқотларида ҳимояга олиб чиқилаётган қоидалар ва тегишли мавзудаги илмий ишлар ҳам ушбу инструментларни янгилаш, оптималлаштириш ва такомиллаштиришга қаратилган назарий уринишлар сифатида эътироф этилиши лозим.

Ушбу фаолият йўналишини ислоҳ қилишнинг объектив заруриятига қарамай, қонун чиқарувчи орган тезкор-қидирув қонунчилигига фақат қисман ўзгартиришлар киритиш билан чекланиб, тезкор-қидирув инструментларини қўллаш ва улардан фойдаланишни тубдан такомиллаштириш масалаларини кейинга қолдирмоқда. Бу қоидадан истисно сифатида “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунига (14-м.) киритилган ўзгартиришни кўрсатиш мумкин. Унга кўра тезкор-қидирув тадбирлари ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилган ҳолда, шу жумладан кибермаконда ва (ёки) унинг имкониятларидан фойдаланилган ҳолда ўтказилиши мумкин<sup>9</sup>.

Шуни эътироф этиш керакки, МДҲга аъзо бир қатор давлатлар тезкор-қидирув фаолиятининг фундаментал хукуқий асосларида Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунининг тўлиқ аналогига эга бўлиб, янада замонавий қадамлар ташлашга қарор қилдилар ва тезкор-қидирув ва жиноят-процессуал қонунчилигини ислоҳ қилдилар, улар жиноятчиларни фош этувчи маълумотларни олишни оптималлаштиришга ва уларни жиноят процессига жорий этиш тартибини соддалаштиришга қаратилган. Бу биринчи навбатда, Беларусь Республикаси ва Қозоғистон Республикасига тегишли.

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуни / <https://www.lex.uz/uz/docs/2107763>



# E CONF SERIES



**International Conference on Modern Science and Scientific Studies**

**Hosted online from Madrid, Spain**

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

20<sup>th</sup> February, 2025

Юқоридаги фикрлар шундан далолат берадики, тезкор-қиди्रув тадбирлари – объектив воқеликнинг ўзгаришига қараб такомиллаштирилиши ва трансформацияланиши лозим бўлган жонли материядир. Ушбу қарашни илгари суриш учун энг мухим ҳолат ва асос шунда-ки, тезкор-қиди्रув инструментларининг генезиси қандайдир универсал характердаги бир қатор тезкор-қиди्रув тадбирларини яратиш ва “қуроллантириш” учун қабул қилиш билан тугамади, балки ҳозирги кунгача давом этмоқда. Бу илмий-техник тараққиёт, жамият, хуқуқий муносабатлар ва бошқаларнинг эволюцион ва инқилобий ўзгаришлари билан боғлиқ. Бир қатор олимларининг турли соҳалардаги тадқиқотлари тезкор-қиди्रув инструментларининг генезиси ва истиқболларига бўлган барча қизиқишлиарнинг тўхтовсиз давом этаётганлигидан яққол далолат беради<sup>10</sup>.

Кейинги мuloҳазаларни олдиндан ўйлаб, тезкор-қиди्रув инструментларининг генезиси, истиқболлари, тенденциялари ва уларни янада ривожлантириш йўналишларини хуқуқшунос олимларимиз чукур, хар томонлама таҳлил қилишганлигини мамнуният билан қайд этамиз. Бироқ, шунга қарамай, ушбу муаммонинг ҳали ҳам нисбатан тугалланмаганлигини ва бу соҳада кейинги изланишлар олиб бориш мумкинлигини таъкидлаш жоиз, деб ҳисоблаймиз.

Ҳар қандай инструмент каби, қиди्रув тўсатдан ёки йўқ жойдан пайдо бўлмаган. Балки аста-секин маълумот олишнинг ҳиссий ва коммуникатив усуллари асосида яратилган. Жамият ва технологияларнинг ривожланиши билан энг оқилона ва ушбу фаолият турининг асосий, яъни тез, очиқ, афсона

<sup>10</sup> Хамдамов А.А. Теоретические, правовые и организационно-тактические основы борьбы с хищениями чужого имущества, совершаемыми организованными группами: Дис. ... докт. юрид. наук. – Тошкент: Академия МВД Республики Узбекистан, 2009. – 519 с.; Гордеев С.Н. Терров ва суддан яшириниб юрган шахсларнинг кидирувни такомиллаштириш (ички ишлар органлари тезкор бўлинмаларининг материаллари бўйича): Юрид. фан. бўйича фал. д-ри (PhD) дис. автореф. – Т., 2018. – 49 б.; Каримов В. Тезкор-қиди्रув фаолиятида конунъийликни таъминлаш механизмини такомиллаштириш: Юрид. фан. д-ри (DSc) дис. – Т., 2018. – 331 б.; Рахимхўжаев Р.Н. Ички ишлар органлари томонидан тезкор-қиди्रув тадбирларини ўтказишни хуқуқий таъминлашни такомиллаштириш: Юрид. фан. бўйича фал. д-ри (PhD) дис.– Т., 2018. – 40-б.; Оперативно-розыскная деятельность в XXI веке: монография / С.И.Захарцев, Ю.Ю.Игнащенков, В.П.Сальников. Москва: Норма, 2015. 400 с.; Осипенко А.Л. Сетевая компьютерная преступность: теория и практика борьбы: монография. Омск: Омская акад. МВД России, 2009. 479 с.; Чечетин А.Е. Обеспечение прав личности при проведении оперативно-розыскных мероприятий: монография. Санкт-Петербург: СПБУ МВД России, 2016. 232 с.; и др.



# E CONF SERIES



**International Conference on Modern Science and Scientific Studies**

**Hosted online from Madrid, Spain**

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

20<sup>th</sup> February, 2025

асосида ёки түлиқ яширин маълумотларни олиш мақсадига максимал даражада самарали эришиш учун маданийлаштирилган. У тўлалигича объектив ижтимоий-иктисодий, сиёсий, маънавий-хукукий, техник ва шу каби узоқ вақт давом этган воқеликларга асосланган бўлиб, уларнинг намоён бўлишларини ўзида жамлаган.

2012 йилда қабул қилинган “Тезкор-қидирав фаолияти тўғрисида”ги қонун жамиятга янги тезкор-қидирав инструментларини “совға” қилмади, балки фақат юридик жиҳатдан мустаҳкамлади ва шу билан бирга ўша вақтга қадар шаклланган тезкор-қидирав тадбирларининг яқуний рўйхатини норматив-хукукий тарзда амалиётга имплементация қилди. Бу тадбирлар тезкор-қидирав фаолияти вазифаларини ҳал этиш учун аллақачон узоқ вақтдан бери муваффақиятли ўтказиб келинаётган эди. Бироқ вақт объектив равишда жамиятни нафақат рўйхатнинг ўзига, балки тезкор-қидирав тадбирларининг функционал таркибий қисмига ҳам ҳаётнинг деярли барча жабҳаларидаги ўзгаришларга мувофиқ тузатишлар киритишга мажбур қилди.

“Тезкор-қидирав фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг кучга кириши нафақат тезкор-қидирав фаолиятини, хусусан, тезкор-қидирав тадбирларини қонунийлаштириди, балки тезкор-қидирав фаолияти соҳасидаги илгари, 50 йилларнинг охири ва 60 йилларнинг бошларида бошланган индивидуал, биринчи илмий изланишларни ҳам тўғри тарзда фаоллаштириди. Ушбу соҳадаги кейинги энг муҳим, жумладан, қонунда мустаҳкамланган тезкор-қидирав тадбирларини ўтказишнинг моҳияти, ташкилий-хукукий, психологик, техник ва бошқа жиҳатларини ўрганишга бағишлиланган тадқиқотлар силсиласини бошлаб берди. Тадқиқотчилар у ёки бу тезкор-қидирав тадбирининг генезисини ретроспектив таҳлил қилиб, уларнинг вужудга келишидан то ҳозирги ҳолатига қадар шаклланиш ва ривожланиш тарихини қўриб чиқиб, уларнинг замонавийликка когнитив мувофиқлигини, яъни тадқиқот ўтказиш вақтини, кейинчалик оптималлаштириш имкониятлари ва йўналишларини ўргандилар.

Умуман тезкор-қидирав фаолияти назариясининг концептуал асослари, тезкор-қидирав тадбирларини методологик, ташкилий-тактик, хукукий, техник, ахборот, психологик ва бошқалар билан таъминлаш, хусусан тезкор-



# E CONF SERIES



**International Conference on Modern Science and Scientific Studies**

**Hosted online from Madrid, Spain**

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

20<sup>th</sup> February, 2025

қидирув инструментлари сифатида ишлаб чиқилган ва XX асрнинг иккинчи ярмидаги тезкор-қидирув фаолияти асосчилари – А.А.Хамдамов, Т.Р.Сайтбаев, В.Каримов, А.А.Алексеев, А.Ф.Волинский, Д.В.Гребелский, В.В.Дюков, Г.К.Синилов, А.Г.Лекар, Е.А.Лукашев, В.А.Митрофанов, С.С.Овчинский ва бошқаларнинг монографик асарларида тақдим этилган бўлиб, бу “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонун қабул қилинишидан анча олдин бўлган.

Бу эса давлатда тезкор-қидирув фаолияти ва тезкор-қидирув тадбирларининг ижтимоий-хуқуқий институти юридик жиҳатдан тан олинишидан, ушбу ижтимоий муносабатларни норматив-хуқуқи тартибга солишнинг мавжудлиги ва тўлиқлигидан қатъи назар, унинг ажralmas таркибий қисми сифатида объектив мавжудлигини яққол тасдиқлади. Қонун нормаларида расмий равишда тезкор-қидирув инструментлари амалда мавжуд эди. Ушбу ижтимоий-хуқуқий ҳодисани қуйидаги фикрлар билан изоҳлаш мумкин:

биринчидан, хуқуқ иккиламчи тузилма сифатида – “асос – механизм” дуалистик ижтимоий шаклланишнинг “механизми” сифатида ҳар доим натижадир ва объектив равишда сабаб – “асос”га боғлик бўлади. Асос механизмни белгилайди, механизм эса нафақат асосни акс эттиради ва мустахкамлайди, балки унинг ривожланиши учун норматив-хуқуқий жиҳатдан шароит яратади<sup>11</sup>. Тезкор-қидирув муносабатлари бу қоида (аксиома)дан мустасно эмас, шунинг учун уларнинг хуқуқий тартибга солиниши ҳар доим ижтимоий муносабатларнинг доимий ривожланишининг озми-кўпми кечиккан оқибати бўлади. Яъни бу ўринда қадимги хуқуқшунослярнинг: “Per varios actus, legem experiential facilit – кўп ҳаракатлар орқали тажриба хуқуқни яратади (яъни, хуқуқни тажриба яратади)”<sup>12</sup> деган қоидаси (аксиомаси)да ифодаланган энг доно қарашларининг амалга оширилиши яққол кўзга ташланади. Амалий хуқуқни қўллаш амалиёти вақт ўтиши билан хуқуқий нормаларга айланди;

<sup>11</sup> Электронная библиотека ИФ РАН «Новая философская энциклопедия» Базис и надстройка. URL: <https://iphlib.ru/library/collection/newphilenc/document/HASHad6abc624895ad21e87aad>

<sup>12</sup> Латинско-русский словарь юридических терминов и выражений для специалистов и переводчиков английского языка / автор-составитель М. Гамзатов. СанктПетербург: изд-во С.-Петерб. ун-та, 2002. С. 320 (508 с.).



# E CONF SERIES



**International Conference on Modern Science and Scientific Studies**

**Hosted online from Madrid, Spain**

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

20<sup>th</sup> February, 2025

иккинчидан, тезкор-қидирав фаолияти узоқ вақт давомида мустақил бўлмаганлиги учун хуқукий тартибга солинишини талаб этмаган, балки жиноят-процессуал кодексида аллақачон тартибга солинган жиноят процессининг таркибий, қолаверса, ёрдамчи қисми ҳисобланган; учинчидан, ушбу кўп асрлик муносабатларга хос бўлган, хуқуқни муҳофаза қилиш вазифаларини ҳал қилишда муайян тактик устунликлар берадиган анъанавий маҳфийликни ҳисобга олган ҳолда, давлат ўзининг ваколатли органлари ва мансабдор шахслари тимсолида қонун даражасидаги норматив-хуқукий ҳужжатни қабул қилиш орқали уларни ошкор қилишга шошилмади. Бу кейинчалик кенг қўламли танқидий ва нохолис муҳокамалар, қоралашлар, ҳужумлар, камситиш ва тақиқлашга уринишларни келтириб чиқариши кутилган ва олдиндан маълум эди. Бу аслида “Тезкор-қидирав фаолияти тўғрисида”ги қонун эълон қилинганидан сўнг дарҳол содир бўлди ва ҳозиргacha давом этмоқда.

2012 йилда тезкор-қидирав тадбирлари рўйхати қонунчилик даражасида мустаҳкамланганидан буён алоҳида тезкор-қидирав тадбирлари бўйича комплекс тадқиқотлар ўтказилмоқда (Ж.Махкамов, Х.Ш.Якубов, Ш.Сайдов ва бошқалар).

Ушбу муаммонинг фундаментал асослари ва тезкор-қидирав тадбирлари моҳияти ҳақидаги назарий қарашлар А.А.Хамдамов, Т.Р.Сайтбаев, В.Каримов, С.Н.Гордеев, Р.Н.Рахимхўжаев, В.М.Атмажитов, В.Г.Бобров, Н.С.Железняк, Ю.Ф.Кваша, А.Е.Чечетин, А.Ю.Шумилов ва бошқа олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Диссертация тадқиқоти тезкор киритиш тезкор-қидирав тадбирини ўтказиш тактикаси бўйича амалга оширилган бўлиб, ҳозирги кунда бошқа тадбирларни ўтказиш тактикаси ҳам тадқиқ этилмоқда. Бироқ тезкор-қидирав тадбирларининг турли, яъни психологияк, техник, ахборот ва бошқа жиҳатлари бўйича илмий изланишлар олиб борилмаган. Бу эса тезкор-қидирав тадбирлари институтининг замонавий илмий тушунчаси ва функционал-хуқукий ҳолатини тўлиқ шакллантириш имконини бермайди. Барча тадқиқотларнинг натижалари, шубҳасиз, тезкор-қидирав фаолияти фанида, аниқ тезкор-қидирав тадбирларининг моҳиятини билиш, асосий назарий



# E CONF SERIES



**International Conference on Modern Science and Scientific Studies**

**Hosted online from Madrid, Spain**

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

20<sup>th</sup> February, 2025

тушунчаларини синтез қилиш, хужжатлаштириш, тадбирга тайёргарлик кўриш, ўтказиш ва натижаларини расмийлаштиришнинг энг самарали алгоритмини аниқлаш, шунингдек, ушбу тезкор-қидирув инструментининг бошқа хусусиятларини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

Бироқ, тан олиш керак-ки, ҳар қандай инструмент “объектга таъсир кўрсатишининг мақсадли воситаси”<sup>13</sup> сифатида, айниқса, бундай ноёб тор ихтисослашган тезкор-қидирув инструментлари мавжуд воқеликнинг инъикоси бўлиб, унинг (инструментнинг) ҳуқуқий, техник, психологик ва бошқа замонавий ютуқлар ва технологияларга мувофиқлигини ҳамда жамият ва шахс фаолиятининг ҳозирги вақтда долзарб соҳаларини билиш қобилиятини кўрсатади.

Гарчи унинг асосида ахборотни олишнинг фақат иккита (технологияларга алоқаси йўқдек тувлса-да) усули – ҳиссий идрок этиш ва коммуникатив бўлишига қарамай, тезкор-қидирув инструментлари жамият ҳаётининг муайян тарихий давридаги технологиилар ва ютуқларнинг ушбу ҳаётнинг маълум жиҳатларини билиш ёки уларга таъсир кўрсатиш воситасига (механизм, алгоритм, методика ва ҳ.к.) қандайдир амалий моддий-техник ва функционал-ҳуқуқий мужассамлашувидир. Демак, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, технологик ва бошқа кўплаб воқеликларнинг объектив ўзгариши билан билиш инструментларини мутаносиб, мос равища ўзгариши, уларни ўзгарган ёки ҳатто янгидан пайдо бўлган шароитлар ва талабларга мослаштириш зарурати пайдо бўлади.

Бошқача қилиб айтганда, XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошларида бир неча ўн йилликлар давомида шиддат билан ва тубдан ўзгарган замонавий жамият ва алоҳида шахс ҳаётининг формати, суръати, ҳуқуқий муҳити, ахлоқи, қадриятлари, техник жиҳозланиши ва шу кабилар мавжуд тезкор-қидирув инструментларининг воситалари ва усуллари мажмуасидаги таъсиранлиги ва самарадорлигига объектив таъсир кўрсатади. Бизнинг хоҳишлиаримиздан қатъи назар, уни ўз вақтида янгилаш, мослаштириш, тўлдириш ва, эҳтимол, “хисобдан чиқариш”, фойдаланишдан воз кечиши

<sup>13</sup><https://ru.wikipedia.org/wiki/Инструмент>



# E CONF SERIES



**International Conference on Modern Science and Scientific Studies**

**Hosted online from Madrid, Spain**

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

20<sup>th</sup> February, 2025

талаб қиласы. Масалан, техника тараққиеті симли телефонни вужуда келтирди, қиди्रув эса унинг абонентлар сўзлашувини назорат қилиш (эшитиш) имконияти каби техник хусусиятини ишга солди. Шундай қилиб, “Телефон сўзлашувларини эшитиб туриш” тезкор-қидириув тадбири пайдо бўлди. Ўша пайтда у ҳали расмий номга эга эмас эди. Аммо кейинги тараққиёт туфайли жамиятнинг деярли ҳамма жойда стационар (симли) телефонлардан фойдаланишдан воз кечиши ва мобил симсиз алоқага ва матнли мулоқотга (SMS) оммавий равишда ўтиш айнан стационар симли ва қисман – мобил (уяли) телефон аппаратларига тааллуқли қисмида “Телефон сўзлашувларини эшитиб туриш” тезкор-қидириув тадбирларининг долзарблигини жиддий шубҳа остига қўйди. Шу билан бирга, “Абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисида ахборот олиш” тезкор-қидириув тадбирларининг долзарблиги ва аҳамиятини кучайтириди.

Айрим тезкор-қидириув тадбирларининг ўз аҳамиятини йўқотиши ва тезкор-қидириув тадбирларини қайта кўриб чиқиши заруратининг янада ёрқин мисоли одамларнинг поча (хатлар) орқали мулоқотни деярли тўхтатиши ва арzon ва тезкор онлайн алоқа хизматларига ўтишидир. Бундай шароитда “Почта, курьерлик жўнатмалари ва телеграф хабарларини назорат қилиш” тезкор-қидириув тадбири, перлюстрация<sup>14</sup> қисми – матн мазмуни билан яширинча танишиш, бундан 20-30 йил олдин ҳам долзарб ва мақсадга мувофиқ бўлган, бугунги кунда, айниқса, посилка ва бандеролларнинг ашёвий мазмунини эмас, балки айнан хатлар матнини назорат қилиш нуқтаи назаридан бироз ибтидоий кўринади.

Функционал “ўхшашлик” ва фойдаланиш амалиёти туфайли Жиноят-ижроия кодексига (79-м.) кўра “Маҳкумларнинг ёзишмалари” ҳозирга қадар фаол қўлланиладиган маҳкумлар ёзишмаларини цензура қилиш амалиёти муайян баҳс-мунозараларни келтириб чиқариши мумкин. Бироқ, унинг кўриб

<sup>14</sup> Перлюстрация (лот. perlustro – кўриб чиқаман) – жўнатувчи ва/ёки қабул қилувчидан яширинча амалга ошириладиган шахсий жўнатиладиган хат-хабарларни кўриб чиқиши. Ошкора эълон қилинган ҳарбий цензурадан фарқли ўлароқ, перлюстрация ҳар доим яширинча амалга оширилади. Шунингдек, перлюстрацияни муайян жўнатувчилар ёки оловчиларнинг хабарларини қонуний ва белгиланган тартибида рухсат этилган тарзда кўздан кечиришдан фарқлаш лозим. Даастлаб “перлюстрация” тушунчаси факат поча ёзишмаларига тегишили эди, аммо сўнгги пайтларда телеграфдан электрон почтагача бўлган бошқа хужжатли алоқа воситаларига нисбатан ҳам ишлатилмоқда URL: <https://ru.wikipedia.org/wiki/Перлюстрация>



# E CONF SERIES



**International Conference on Modern Science and Scientific Studies**

**Hosted online from Madrid, Spain**

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

20<sup>th</sup> February, 2025

чиқилаётган тезкор-қидирув тадбирларидан тубдан фарқ қиладиган белгиланиши, мақсадли йўналиши ва хуқукий мақомини таъкидлаш лозим<sup>15</sup>.

Хулоса қилиб айтганда, тезкор-қидирув тадбирлари илмий билиш обьекти сифатида, шунингдек, амалий маънода – тезкор-қидирув фаолиятининг инструменти сифатида ушбу иборанинг замонавий тушунчасида фақат XX асрнинг охирида шаклланган деган хulosага келиш мумкин. Шу билан бирга, назарий жиҳатдан тезкор-қидирув тадбирларининг тушунчаси, моҳияти ва мазмуни, уларни тезкор-қидирув фаолияти усулларидан, шунингдек, ҳаракат ва чоралардан фарқлаш бўйича баҳслар ҳанузгача давом этмоқда.

Бундан ташқари, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, технологик ва бошқа қўплаб воқеликларнинг обьектив ўзгаришлари натижасида юзага келадиган тезкор-қидирув тадбирларининг эволюцияси доимий жараёндир. Биз буни тадқиқотимизнинг кейинги параграфлари доирасида исботлаймиз.

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикасининг жиноят-ижроия кодекси // <https://lex.uz/docs/163629>.